



Published on *insonvaqonun.uz* (<http://insonvaqonun.uz>)

[Бош саҳифа](#) > Вазир Шерматов: "Халқ таълимида ўқувчи ва ўқитувчиларнинг формасидан кўра муҳимроқ масалаларга урғу берайлик"

14.09.2018



Халқ таълими вазири Шерзод Шерматов "Facebook"даги [саҳифасида](#) ^[1] ўқувчи ва ўқитувчиларнинг формасидан кўра муҳимроқ ва оғирроқ муаммолар борлигини айтиб, журналистларни масъулиятлироқ бўлишга ундаган.

"Халқ таълими вазири сифатидаги фаолиятимнинг бошида айтганман, формадан кўра муҳимроқ муаммоларимиз бор. Лекин, афсуски, ҳалигача кўпчилик шунинг атрофида ўралашиб қоляпти", - деган Шерматов. - "2018 йил 26 июндаги матбуот анжуманида айтганман, барчанинг эътибори мактаб формасига кетиб қолди, аслида бизнинг бош вазифамиз — таълим сифати. Иккинчи даражали саволларга чалғимаслигимиз керак", деб ёзади вазир.

Бундан ташқари, Шерзод Шерматов ҳамма ўқитувчининг обрўсини кўтаришга ҳаракат қилаётган пайтда ўқувчилар формасидан ўқитувчиларникига ўтиб кетиш нотўғри эканини айтади. Айниқса, малакали устозларни мактабга жалб қилиш қийин бўлаётган паллада.

"Этикага кўра, агар телевидение орқали шахс розилигисиз бирор киши салбий образда намоиш этилса, уларни кимдир таниб қолмаслиги учун юзларини ёпиш керак бўлади. Тараққийлашган жамиятда шахсни оммавий таҳқирлашга йўл қўйиб бўлмайди, айниқса, болаларни! Умид қиламанки, келажакда ҳурматли журналистларимиз бундай муҳим деталларни ҳисобга олишади", деди Шерзод Шерматов.

"Ўзбекистон24" каналидаги Халқаро пресс-клубнинг навбатдаги сессиясида журналистлар пойтахтдаги бир қатор мактабларда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг формаси ҳақида тайёрланган лавҳа кўрсатилган. Унда калта юбка кийган, соч ўстирган, юзларини бўяган ўқувчилар билан бирга устоз-мураббийларнинг ҳам формаси намойиш этилган. Лекин бирортасининг юзлари ёпилмаган ёки танимас даражада беркитилмаган. ТВ журналистлари шу тариқа ўз касбини суиистеъмол қилган ҳолда инсон ҳуқуқларини поймол қилган. Бу ҳақда turon24 ахборот агентлиги сайти батафсил [маълумот берган](#) [2].

68 [Чоп этиш](#) [3] [PDF](#) [4]

Сўнгги янгиликлар:

- [Кадастр хужжатлари топширилди](#) [5]
- [Имтиёзли кредит асосида уй ажратилди](#) [6]
- [Адолат тамал тоши](#) [7]
- [Адлия вазирлиги биринчи ўринни эгаллади](#) [8]
- [Биз доимо ҳамфикрмиз](#) [9]
- [Бизнинг юзимиз](#) [10]
- [Матбуот — энг зарур эҳтиёж](#) [11]
- [Соҳа ходимларининг яқин кўмакчиси](#) [12]
- [Ҳуқуқий сиёсатнинг ҳақиқий тарғиботчиси](#) [13]
- [Ўрни бўлакча](#) [14]

Source URL: <http://insonvaqonun.uz/?q=runklar/4144>

Ссылки

- [1] https://www.facebook.com/SherzodXotamovichShermatov/?hc_ref=ARTdlsz0zDKy_ghOZYxln7G9KkK3YQhmiMtmjFDh1Kgd3d_W4Q-m0rWxRO6l5y-Dp-8&fref=nf
- [2] <https://turon24.uz/sections/reports/jukr2fopcizc-vazir-shermatow-hal-talimida-uwchi-wa-ituwchilarning-fo-masidan-kra-muimro-masalalarga-uru-berajlik>
- [3] <http://insonvaqonun.uz/print/4144>
- [4] <http://insonvaqonun.uz/printpdf/4144>
- [5] <http://insonvaqonun.uz/node/4169>
- [6] <http://insonvaqonun.uz/node/4168>
- [7] <http://insonvaqonun.uz/node/4167>
- [8] <http://insonvaqonun.uz/node/4166>
- [9] <http://insonvaqonun.uz/node/4163>
- [10] <http://insonvaqonun.uz/node/4162>
- [11] <http://insonvaqonun.uz/node/4161>
- [12] <http://insonvaqonun.uz/node/4160>
- [13] <http://insonvaqonun.uz/node/4159>
- [14] <http://insonvaqonun.uz/node/4158>